



Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Фаргона вилоят худудий бошқармаси бошлиги  
Р.Холикназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Қўштепа тумани Қорақушчи МФЙ Равнак, Гулобод, Турон кўчаси худудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Қўштепа тумани Қорақушчи МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 245 м<sup>3</sup> ҳисобланиб, уланиш нуқтаси.1 Қорақушчи МФЙ Богимайдон кўчаси худудидаги мавжуд 1 дона тик ичимлик сув кудугини қайта таъмирлаш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш худудни химоя девори билан ўраш лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 1.2 км бўлган ичимлик сув қузури тортиш.

уланиш нуқтаси.2 Қорақушчи МФЙ Равнак кўчаси худудидаги колодецдан лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 0.8км бўлган ичимлик сув қузури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМК ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошланғунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Қўштепа туман филиали бош муҳандиси:

Ғ.Тўхтасинов

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Қўштепа туман филиали ИЧБ муҳандиси:

Л.Холбоев

